

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУД ТОМОНИДАН ХАЛ ЭТИЛАДИГАН ИШЛАР

Уринбоева Дилноза Усмон кизи,
Тошкент шахар маъмурий судининг
судья катта ёрдамчиси

Аннотация: Мазкур маколада маъмурий судлар томонидан хал килинадиган ишлар, маъмурий ва оммавий-хукукий муносабатлардан келиб чикадиган низоларнинг судловга тааллуклиги юзасидан амалиётда мавжуд булган айрим муаммолар ёритилган. Бу масаладаги коидалар Узбекистан Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тугрисидаги кодекснинг 26-27-моддалари, Узбекистан Иктисадий процессуал кодекснинг 25-моддаси, Узбекистан Фукаролик процессуал кодекснинг 25-моддасида уз аксини топган.

Калит сузлар: судловга тааллуклилик, маъмурий ва оммавий -хукуций муносабатлардан келиб чикадиган низо.

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши Узбекистан Республикаси Конституциясининг 110-моддаси 1-кисмида^[1] назарда тутилган Узбекистан Республикаси Олий суди фукаролик, жиноий, иктисадий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд хокимиютининг олий органи хисобланиши билан боғлик конституциявий норманинг амалга оширилишини хам таъминлайди.

Ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чикиб айтиш мумкинки, бугунги кунда жамият институтларининг хар бирида доимий ва изчилик билан реформацияларни амалга ошириб бориш, янгидан янги ижтимоий институтларни ташкил этиш, эскиларини замонга мослаштириш, ривожлантириш талаб этилмоқда.

Бу борада сунги йилларда юртимизда суд-хукук соҳасида тарафларнинг тортишуви ва тенг хукуклигини таъминлашда суд билан жамият аъзоларининг хар бири уР^{таси}Д^а муносабатларни урнатишда кийинчилик тугдирадиган механизmlарни соддалаштириш борасида сезиларли ислохотлар амалга оширилди ва соҳани янада ривожлантириш изчилик билан давом этмоқда.

Маълумки, ихтисослашган судлар судга тааллукли ишларни уз вактида, сифатли куриш ва хал этиш, одил судловнинг самарадорлигини оширишдаги муҳим омиллардан биридир.

Уз навбатида мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш зарурати куйидаги омиллар билан белгиланади:

- Фукароларнинг давлат бошқарувига оид хукуклари ва копуний манфаатларини суд тартибида химоя килишнинг самарали тизимини яратиш зарурати;
- Давлат бошцаруви органлари, улар мансабдор шахслари фаолиятида конунийликни мустахкамлаш, бу соҳада суд назоратини такомиллаштиришнинг талаб

этилаётгани.

Маълумки, Конституциямизнинг 44-моддасига кура, кар бир шахсга уз хукук ва эркинликларини суд оркали химоя килиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалрининг гайриконуний хатти- харакатлари устидан судга шикоят килиш хукуки кафолатланган. Уз навбатида мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши асосий конунимизда мустахкамланган ушбу хукукларни самарали амалга оширилишини таъминлашга хам хизмат килади. Маъмурий суд ишларини юритиш тугрисидаги Узбекистан Республикаси кодексининг кабул килиниши конунчиликда маъмурий ишларнинг судловга тааллуклигини, унинг узига хос хусусиятларини ва маъмурий суд ишларини белгиловчи асосий хукукий механизмни вужудга келтирди.

Маъмурий ишлари юрисдикциясини янада аниклаштириш, низоларнинг судловга тааллуклигини урганиш, бу масалада таткжотлар олиб бориш зарурияти вужудга келмоқда.

Узбекистан Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январда кабул килинган 107-сон Ъарорида^[2] судлар томонидан даъво аризаси, ариза хамда шикоятни судга тааллукли булмаганлиги сабабли кабул килишни рад килиш ёки иш буйича иш юритишни тугатишни такжлаш, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни куриб чикишга ваколатли судга утказиш алохида назарда тутилганлигидан хам куриб чикишимиз мумкин.

Албатта, мамлакатимиз рахбарининг кайд этилган Кароридан сунг ариза, шикоят судга таалукли булмаганлиги сабабли кабул килишни рад хакидаги конун нормалари ариза, шикоятларни тегишли судга утказишни назарда тутадиган холатга узгартирилади ва фукаролар, судга мурожаат килувчилар учун бир канча енгилликлар яратилади.

Узбекистан Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тугрисидаги кодекснинг 27-моддасига биноан, давлат бошкаруви органларининг, маъмурий-хукукий фаолиятни амалга оширишга ваколатли булган бошка органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фукаролар узини узи бошкариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг конун хужжатларига мос келмайдиган хамда фукаролар ёки юридик шахсларнинг хукукларини ва конун билан курикланадиган манфаатларини бузадиган карорлари, харакатлари(харакатсизлиги) юзасидан низолашиб тугрисидаги ишларни маъмурий судлар хал килади.

Юридик фанлари доктори Ж.Неъматовнинг фикрича, маъмурий судлар айнан маъмурий хукукий муносабатлардан келиб чикадиган низоларни куриб чикиш учун алохида ташкил килинган^[3].

Узбекистан Республикаси Иктисадий процессуал Кодексининг^[4] 25- моддасига мувофик, иктисадиёт соҳасида юридик шахслар хамда юридик шахе ташкил этмаган долда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мадомини донунда белгиланган тартибда олган фударолар, шунингдек, корпоратив

низолар буйича ишлар курилаётганда тарафлар булган фударолар уртасидаги фударовий, маъмурий ва бошда дудудий муносабатлардан юзага келадиган низоларга дойр ишлар иктиносидий судлар томонидан дал этилиши назарда тутилади.

Масалан, агар юридик шахе солид органнинг солид ундириш дадидаги дарорини дадидий эмас деб топиш дадидаги талаб ва ундирилган солид суммасини дайтариш дадидаги талаб билан судга мурожаат дилмодчи булса, шу юридик шахенинг маъмурий орган (солид органи)нинг солид ундириш дадидаги дарорини дадидий эмас деб топиш дадидаги талаби маъмурий суднинг судловига тааллудли булса-да, ундирилган солид суммаси (пул маблаглари) нидайтариш дадидаги талаби идтиносидий суднинг судловига тааллудли булади.

Шунингдек, Узбекистан Республикаси МСИЮТКнинг 1898-моддасига кура, дарор дадидий эмас, даракатлар (даракатсизлик) донунга дилоф деб топилган таддирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахенинг зиммасига дуйидаги мажбуриятларни юклайди:

- Конунга мувофид дарор дабул дилиш ёки муайян харакатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг дудудлари, эркинликлари ва донуний манфаатларининг бузилишларини бошдача усулда бартарф этиш;

Бу ерда Узбекистан Республикаси МСИЮТКнинг 26-моддасида келтирилган баъзилари маъмурий судга, бошдалари эса идтиносидий судга тааллудли булган бир нечта талабни бирлаштиришга йул дуйилмаслик дадидаги донун талабидан келиб чидиб, аризачи юридик шахе узининг бузилган дудудларини тиклаш учун дастлаб маъмурий органнинг дарорини дадидий эмас деб топиш дадидаги талаб билан маъмурий судга ва шундан сунг солид суммасини камайтириш дадидаги талаб билан идтиносидий судга мурожаат дилиши лозим булади. Сабаби Узбекситон Республикаси МСИЮТКнинг 189-моддасида дайд этилган, дарор дадидий эмас, даракатлар (даракатсизлик) конунга дилоф деб топилган таддирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахенинг зиммасига аризачининг дудудлари, эркинликлари ва донуний манфаатларининг бузилишларини бошдача усулда бартарф этиш буйича мажбурият юклаши белгиланган булсада, Узбекситон Республикаси идтиносидий процессуал кодекс[4] 26- моддасининг 12-бандига кура, ундириш сузсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро дужжатини ёки бошда дужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш дадидаги ва ушбу модданинг 14-бандига кура, назорат дилувчи органлар томонидан донун дужжатлари талабларини бузган долда сузсиз(акцептсиз) тартибда дисобдан чидарилган пул маблагларини бюджетдан дайтариш дадидаги низоларни идтиносидий судлар дал этиши белгиланган.

Ушбу конун нормаси талабидан келиб чикиб, аризачи талабининг бири маъмурий органнинг карорини хакикий эмас деб топиш хакидаги талаби маъмурий судга тааллукли булсада, иккинчи талаб ундирилган солик суммасини бюджетдан кайтариш хакидаги талаб иктиносидий суднинг юрисдикциясига тааллукли булганлиги сабабли ушбу талаблар буйича аризачининг ягона низоси алохида судларда хал

этилиши лозим.

СНОСКИ/ЯЕЕ ЕГЕПСЕЗ/ИКТИБОСЛАР:

1. Узбекистан Республикаси Конституция™, 110-модда.
2. Неэматов Ж. Маъмурий суд ишларини юритишда судга таллулиликнинг айrim хукукий муаммолари// ODILLIK MEZONI, илмий-амалий, хукукий журнал, 2021. №11, 45-бет.
3. Узбекистан Республикаси Президентининг Карори//Давлат органлари билан муносабатларда фукаролар ва тадбиркорлик субъектлари хукукларининг самарали химоя этилишини таъминлаш хамда ахолининг судларга булган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тугрисида// Ъер://оШ. 1 ех. 1 ггЛ 1 ос/5841287//29.01.2022.
4. Узбекистан Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тугрисида”ги Кодексининг 27-MOfiflachH.<http://old.lex.uz//docs//3 527353>
5. Узбекистан Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мулжалланган янги Узбекистоннинг Тараккиёт стратегияси тугрисида”ги Фармони.
6. Узбекистан Республикаси Президентининг Қдрори// Давлат органлари билан муносабатларда фукаролар ва тадбиркорлик субъектлари хукукларининг самарали химоя этилишини таъминлаш хамда ахолининг судларга булган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тугрисида// <http:// old.lex.uz//docs//5841287//29.01.2022>